# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 6 ноябрь, № 215 (6145) Пайшанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Жўраев Олим Авлаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши темир йўл таъмирлаш корхонаси кран машинисти, Қашқадарё вилояти

**Изенов Жиенбай Жанабаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўнғирот локомотив депоси тепловоз машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Раззоқов Отаназар Маматович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 17-йўл қурилиши машина станцияси йўл таъмирловчиси, Бухоро вилояти

**Салиев Хикматилло Насирович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

**Муминов Сабир Каримович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси қуюв цехи эритувчиси, Тошкент шаҳри

**Назиров Орифжон Халимович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Андижон механика заводи» шўъба корхонаси цех бошлиғи, Андижон вилояти

Республикамиз темир йўл транспорти тизимидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, тармоқнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш, соҳага илғор технологияларни жорий қилиш ҳамда янги темир йўлларни барпо этиш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Алимов Забибулло Махмуджонович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ховос» тиклаш поезди устаси, Сирдарё вилояти

**Нарзуллаев Зуфар Ғиясович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи

**Шержонов Холмурот** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Урганч темир йўл масофаси катта йўл устаси, Хоразм вилояти

### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Акбаров Усмонжон Джурабаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши локомотив депоси тепловоз машинисти, Қашқадарё вилояти

**Деваров Шариф Бабаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Термиз минтақавий темир йўл узели тиклаш поезди бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Магазов Анвар Мелиевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси бошқарувчисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Мелибаев Бобирмирзо Мамиржанович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Андижон механика заводи» шўъба корхонаси директори, Андижон вилояти

**Рахматуллаев Абдуллажон Мамажанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Учқўрғон станцияси йўл таъмирловчиси, Наманган вилояти

**Эгамназаров Абдусаттор Ниёзбоевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Жиззах темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Жиззах вилояти

**Юлдашев Мухаммад Эргашевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон локомотив депоси тепловоз машинисти, Фарғона вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдуллаева Фируза Каримовна** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Акбаров Адхамжон Абдуллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон темир йўл масофаси бошлиғи, Фарғона вилояти

**Астанов Уткир Султанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзтемирйўлконтейнер» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Данияров Мелибай Холикович** — «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар қурилиши дирекцияси техникаларни таъмирлаш устахонаси чилангари

**Исматуллаев Шерзод Шухратуллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

**Каримова Фируза Фузаиловна** — Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори

**Нурмухамедов Жаҳонгир Толаниддинович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши минтақавий темир йўл узели бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Рабимов Тошкуват Шодиярович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Самарқанд темир йўл масофаси кўприк қурилиш бригадаси устаси, Самарқанд вилояти

**Реимов Парахат Базарбаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўнғирот минтақавий темир йўл узели йўл таъмирловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сулайманов Мамуржон Мадаминович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг электр таъминоти маркази бошлиғи

**Цой Гром Григорьевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Боштранслойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти темир йўлларни лойиҳалаш бўлими бошлиғи

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Садиков Шухрат Махаматсидикович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

### «Шуҳрат» медали билан

**Азимов Рахматжон Махмуджонович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Афросиёб» электропоезди машинисти, Тошкент вилояти

**Закиров Абдукахор Рахимбердиевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти чилангари, Тошкент шаҳри

**Мирзакулов Ёдгор Тургунович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси механика-йиғув цехи токари, Тошкент шаҳри

**Мирзахмедов Камолиддин Учқунович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси 13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Мухторов Зафар Сафарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси катта электромеханиги, Бухоро вилояти

**Рузиев Расулжон Санатиллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Тоштемирйўллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси

**Рузимурадов Мавлиддин Назарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Тинчлик» локомотив депоси тайёрлов цехи катта устаси, Навоий вилояти

**Сапаев Абдишарип Каримович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Урганч алоқа ва ишорат масофаси электромеханиги, Хоразм вилояти

**Сапарбаев Оралбай Кошмуратович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «1-энергомонтаж поезди» унитар корхонаси устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сондибоев Тохир Абдуғаниевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг махсус механизациялашган йўл станцияси бош муҳандиси

**Усманов Гуламжон Якубжанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Йўлрефтранс» акциядорлик жамияти устаси, Сирдарё вилояти

**Шайманов Абсахат Бозорович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Термиз темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Сурхондарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 5 ноябрь

## БИЗ ВА ЖАҲОН

*Яқинда Бирмингем савдо палатасида Ўзбекистон сармоявий имкониятларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Буюк Британия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур тадбир мамлакатимизнинг Лондондаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Бирмингем савдо палатаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

# Бирмингемда Ўзбекистон иқтисодиётининг тақдимоти

Тақдимотда республиканинг жуғрофий жойлашуви, иқтисодий ривожланишнинг юқори даражаси, ташқи қарзи дунёдаги энг паст даражалардан бири эканлиги, шунингдек, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатлари ва диверсификацияланган иқтисодиёт Британия компаниялари учун қулай имкониятлар яратиши қайд этилди.

Тадбир қатнашчилари мамлакатимиз ҳукуматининг саноат ва сармоявий сиёсатидаги устувор йўналишлар, молия-банк тизимининг барқарор ўсиш суръатлари, ўрта ва кичик корхоналар экспорт салоҳиятининг кенгайиши ҳамда солиқ имтиёзларига оид маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, Буюк Британия ишбилармон доиралари вакилларининг эътибори хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида яратилган қонунчилик базасига қаратилди. Тақдимот иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва HSBC банки томонидан мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати ва истиқболларига берилган баҳолар, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарида яратилган қулай сармоявий имкониятларга оид маълумотлар анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, улар Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” Давлат дастуридан кўзланган мақсад ва вазифалар, республиканинг Буюк Британия билан савдо-иқтисодий муносабатларини кенгайтириш истиқболлари, жорий йил ноябрида Тошкентда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — Британия савдо ва саноат кенгашининг йигирма биринчи мажлиси ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишдилар.

Бирмингем савдо палатаси аъзоларининг нутқларида Ўзбекистон Марказий Осиёдаги саноатлаштирилган етакчи мамлакат бўлиб, республикада автомобилсозлик ва машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, металлургия, нефть ҳамда газ-кимё саноати ва бошқа соҳалар ривож топгани бир неча бор қайд этилди.

Тақдимот иштирокчилари республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг тараққиёт жараёнига ҳам катта қизиқиш билдиришар экан, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида бу соҳадаги энг йирик ишлаб чиқарувчи ҳисобланишини таъкидладилар.

Тадбирда мамлакатимизда бизнесни ташкил этиш ва уни юритишнинг шарт-шароитлари, логистика, энергетика ҳамда юртимиз ҳудуди бўйлаб ўтувчи транспорт йўлакларига доир масалалар, Буюк Британия билан инновацион ҳамкорликнинг устувор соҳалари хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

## Қисқа сатрларда

● Бухоро шаҳрида “Фавворалар майдони” фойдаланишга топширилди. Ҳудуди 6 гектардан иборат мазкур мажмуа марказида мусиқали рангин фаввора барпо этилган бўлиб, унинг суви наволар оҳангига уйғун ҳолда 15-20 метр баландликкача кўтарилади.

● **Андижон шаҳридаги “Андижон нашриёт-матбаа” масъулияти чекланган жамиятига хорижнинг янги полиграфия дастгоҳи келтирилди. У босма нашрларни офсет усулида чоп қилишга мўлжалланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида тўрт рангда нашр этиш имкониятига эга.**

● Қарши шаҳридаги “Натурал пласт стил” масъулияти чекланган жамияти жамоаси банкнинг 125,5 минг АҚШ долларилик молиявий кўмаги билан полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўтган қисқа муддатда корхонада тўрт турдаги 50 тонна маҳсулот тайёрланди ва буюртмачиларга етказиб берилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР

## маҳаллий корхоналар фаолиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, ишлаб чиқариш корхоналари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли бугун улар барқарор фаолият юритиб, янги марралар сари дадил одимламоқда. Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Навоий машинасозлик заводининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.*

ИСЛОҲОТ



Гап шундаки, 3,5 минг нафардан ортиқ кишидан иборат жамоа томонидан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган инновацион лойиҳалар маҳсулот ҳажмини ошириш билан бирга, ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида комбинат томонидан 12,2 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

— Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб, яхши натижаларга эришаяпмиз, — дейди завод бош муҳандиси ўринбосари Павел Волонтир. — Маҳсулотларимиз турли дастгоҳлар ва тоғ-кон саноати учун зарур эҳтиёт қисмлардан иборат бўлиб, барчасига талаб тобора ортаётган бўлса, жорий йилдан бошлаб буюртмачиларга спорт анжомлари етказиб беришни ҳам йўлга қўйдик.

(Давоми 3-бетда).

# ХДП: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг мамлакатимиз барча ҳудудларидаги ташкилотларидан сайланган делегатлар қатнашди.*

САЙЛОВ — 2014

Қурултойда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳ. Кетмонов партия ташкилотлари фаолиятининг асосий якунлари ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муносабати билан партия олдида турган устувор вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Қайд этилганидек, жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш йўлида эришилган натижалар, аҳолининг ўзлигини англаши, ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ўсиши ва дунёқараши кенгайиши ЎзХДП олдига бошқа сиёсий партиялар қатори демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида долзарб вазифаларни қўймоқда. Бунда, шубҳасиз, партиянинг мамлакатимизда халқ фаровонлиги ва юрт тараққиёти йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишларига дахлдорлиги унинг фаолиятини баҳолашнинг бош мезони ҳисобланади.

Делегатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2010 — 2014 йиллардаги фаолиятини танқидий таҳлил қилиб чиқди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Жорий йилда "Гулистон экстракт-ёғ" акциядорлик жамиятининг бир неча цехларида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиб, корхонанинг тўлиқ қувват билан ишлаши таъминланди.*

### Сифат янада яхшиланди

Хусусан, аввал пресслаш цехининг ҳар бир ускунаси ёрдамида кунига 50-60 тонна атрофидаги хом ашё қайта ишланар эди. Ушбу линиядаги мавжуд ускуналарнинг барчасида эҳтиёт қисмлар янгилангач, юқоридаги кўрсаткич 70-80 тоннага етди.

Айни чоғда пресслашдан сўнг пайдо бўладиган кунжара таркибида қолган ёғни ажратиб оладиган экстракция цехи ҳам тубдан реконструкция қилинди. Пировардида чигитдан озиқ-овқат маҳсулоти тайёрлаш ҳажми сезиларли даражада оширилди.

— Ушбу мақсадлар учун 457 миллион сўмликдан зиёд маблағ йўналтирилди, — дейди жамият техника бўлими бошлиғи Абдувоҳид Эшонхонов. — Тез орада қадоқлаш цехимизда ҳам янгиланиш жараёни тугатилади. Бу ерга 180 миллион сўмлик замонавий ускуналар ўрнатилгач, маҳсулотимизни турли ҳажмдаги бежирим идишларга қуйиш имконияти яратилади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳам касб ўрганди, ҳам ишли бўлди

*Ўтган йили Жиззах туманилик Эътибор Тожибоеванинг ҳудудда яшовчи хотин-қизларга касб ўргатиш бўйича ишлаб чиққан лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грантига муносиб кўрилганди.*

Шу асосда тадбиркор аёл тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган хотин-қизлардан 60 нафардан ортиғини тикувчилик касбига ўргатди. Бинобарин, улар компьютер саводхонлиги бўйича ҳам малакага эга бўлди. Натижада Эътибор Тожибоева саъй-ҳаракати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бир қатор хотин-қизлар айни пайтга келиб яхшигина даромад топа бошлади.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Модернизация самараси

*Чиноз туманидаги собиқ пахта заводи тажриба корхонасига айлантирилгач, бу ерда ҳар мавсумда 20 минг тоннадан ортиқ хом ашёни қайта ишлаш имконияти юзага келди.*

— Модернизациялаш тадбирларига 4,5 миллиард сўм йўналтирилди, — дейди корхона бош муҳандиси Фахриддин Ҳусанов. — Натижада хом ашёни қуритиш, тозалаш, линтерлаш каби цехларимиз хориж технологияси асосида бутунлай қайта жиҳозланди. Иқтисодий тежамкор сепараторлар, пресслаш агрегатлари ва тозалаш ускуналари, шунингдек, замонавий транспортёрлар пахта ҳосилидан юқори сифатли тола олиш билан бирга, қимматбаҳо хом ашё исрофгарчилигига ҳам буткул барҳам бермоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдидан

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*



# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАН РАВНАҚИ

### мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир

Қайд этилганидек, юртимизда молиявий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ана шу мақсадга хизмат қилиши билан муҳим стратегик аҳамиятга эга. Зотан, жаҳонда ҳали-ҳануз молиявий инқироз кузатилаётган бир шароитда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, солиқ юкини камайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, мазкур ҳужжат иқтисодий сиёсатни ва солиқ-бюджет сиёсатини янада модернизациялаш, бозор ислоҳотларини ҳамда ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

Йиғилишда солиқ сиёсати соҳасидаги асосий устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, бу, энг аввало, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш ҳамда солиқ маъмуриятчилиги чора-тадбирларини кучайтиришда яққол намоён бўлмоқда.

— Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти келгуси йилнинг солиқ-бюджет сиёсатида ҳам ўз ифодасини топмоқда, — деди қўмита аъзоси Қ. Тўйчиев. — Чунончи, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар кўзда тутилмоқда. Масалан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш белгиланаяпти. Ходимларга тўланадиган иш ҳақи фондига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида ягона ижтимоий тўлов ставкасини микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун 25 фоиздан 15 фоизгача, микрофирма ҳамда кичик корхоналар бўлмиш қурилиш ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача тушириш таклиф қилинмоқда.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар касб-ҳунар коллежларини битириб чиққанларни ишга қабул қилган тақдирда уларда ишлайдиган ходимларнинг энг кўп сонини 50 фоизгача ошириш, шунингдек, мазкур таълим муассасаларини битириб чиққанларни таълим олиш тугаган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод қилиш назарда тутилмоқда. Бу, сўзга чиққанлар эътироф этганидек, ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар томонидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, шу жумладан, олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга, шунингдек, болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қилинадиган харажатларни кўпайтириш тамойили сақланиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, давлатга қарашли мактабгача таълим муассасаларини босқичма-босқич реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича 2015 — 2020 йиллар мобайнида ҳаётга татбиқ этиладиган дастур ишлаб чиқилаётганлигининг муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда ижтимоий соҳага қаратилган эътибор келгуси йилда ҳам изчил давом этиши алоҳида айтиб ўтилди. Бу эса истиқболда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини бажариш, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда долзарб аҳамиятга эга.

Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси

### иқтисодий юксалишга хизмат қилади

*Кеча Тошкент шаҳрида "Табиий ва синтетик полимерлар асосидаги нанополимер тизимлар: синтези, структураси, хоссалари" мавзуига бағишланган халқаро анжуман ўз ишини бошлади.*

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига қарашли Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот маркази ҳамда Юқори молекулали бирикмалар илмий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу илмий анжуманда юртимиз ва хорижий давлатлардан ташриф буюрган кўплаб етук олимлар, соҳа мутахассислари қатнашмоқда.

Тадбирни ўтказиш учун Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот маркази танлангани бежиз эмас, албатта. Чунки у соҳалараро фан ҳисобланувчи полимерлар ҳақидаги тадқиқотлар ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган муассасалардан бири ҳисобланади. Ўсимликларни ҳимоялашнинг кимёвий воситалари препаратив полимер шаклларини қўллашнинг экологик хавфсиз технологияларини яратиш бўйича фундаментал ва амалий ғоялар айнан ушбу марказда шакллантирилгани бунинг яққол далилидир.

Чиндан ҳам, табиий ва синтетик полимерлар ҳамда уларнинг аралашмалари асосида биологик фаол полимер тизимларини қўллаб, уруғларни экиш олдидан капсулалаш усули, шунингдек, пестицидларнинг экологик хавфсиз полимер шаклларини ишлаб чиқиш технологиясига илк бор айнан шу даргоҳда асос солинган. Унинг илмий жамоаси томонидан яратилган импорт ўрнини босувчи кўплаб препарат ва дори воситалари эса аллақачон амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Анжуман иштирокчилари шу каби муваффақиятлар билан яқиндан танишдилар. Уларда янги композицион материаллар яратиш, қайта ишлаш усулларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, бу жараёнда нанотехнологияларнинг самарали қўлланилаётгани катта қизиқиш уйғотди. Зеро, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда олиб борилаётган изланишлар, асосан, нанотузилмали полимер тизимлари, уларнинг ўхшаш тузилмалар мавжудлигига боғлиқ ноёб хоссалари, наноэффектлар юз бериши негизида ётувчи механизмларнинг очилиши каби масалаларга йўналтирилган.

Икки кун давом этадиган анжуманда полимерлар нанокимёси, нанофизикаси ва нанотехнологияси соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилиниб, маърузалар тингланмоқда. Шунингдек, "Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви" мавзуида давра суҳбати ташкил этиш ҳамда унда ёш олимларнинг кўргазмали маърузаларига кенг ўрин бериш режалаштирилган.

Бундан кўзланган асосий мақсад полимерлар ҳақидаги нанофан соҳасидаги ютуқлар билан таништириш, саноат тармоқларининг илмий ишланмаларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш, полимерларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва қўллашга ихтисослаштирилган корхона ҳамда компаниялар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборатдир. Зотан, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси пировардида иқтисодиёт тармоқлари ривожининг жадаллашишига хизмат қилади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

# ХДП: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уларнинг фикрича, партия ташкилотлари салоҳияти катта бўлса-да, мавжуд захираларнинг барчаси ишга солинмаган. Бунга эса, айниқса, демократик, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйиб бўлмайди. Хусусан, партия ташкилотлари томонидан ёшлар билан ишлашга етарли даражада эътибор қаратилмаган, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари фаолияти суст бўлиб қолмоқда.

Қурултойда, шунингдек, партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси, бошланғич ташкилотлар, жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида, барча даражадаги партия ташкилотларини ахборот-таҳлилий таъминлашда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмагани кўрсатиб ўтилди. Парламентдаги фракциянинг жойлардаги депутатлар гуруҳлари билан партия сайловолди платформаси қоидаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг асосий тамойили ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга, кучли ижтимоий сиёсат ва ривожланган фуқаролик жамиятига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш эканлиги қайд этилди. Бунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш, муносиб иш ҳақига эга бўлган барқарор иш жойларини ташкил қилиш фуқароларни манзилли ижтимоий муҳофаза этишда асосий йўналиш бўлиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Қурултойда партия электоратининг манфаатларини янада самарали илгари суриш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизациялашдаги бошқа устувор мақсадларни амалга оширишга қаратилган социал-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ролини оширишга доир энг муҳим вазифалар белгиланган сайловолди платформаси тасдиқланди.

Сайлов қонунчилигига мувофиқ, Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Шунингдек, қурултойда партиянинг ваколатига кирадиган бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мустаҳкам оилалар — барқарор жамият гарови

*"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровда респондентларнинг 95,1 фоизи юртимизда оилалар давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётганини қайд этишди. Фуқароларимиз, айниқса, қишлоқ аҳолисининг мутлақ катта қисми ўз оиласини бахтли деб ҳисоблаши мамлакатимизда оилалар фаровонлигини оширишга, ҳар бир инсоннинг муносиб турмуш шароитини таъминлашга юксак эътибор қаратилаётганини яна бир бор тасдиқлайди.*

## 2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан жамият иқтисодий ва маънавий ривожининг ўзига хос кўзгуси — оилани эъзозлаш, унда соғлом муҳитни қарор топтириш, пировардида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш чора-тадбирлари тизимли олиб борилмоқда. Оила кодекси ва тегишли қатор қонун ҳужжатлари оила институтини жамиятнинг бошқа ижтимоий тузилмалари ҳамда ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар билан уйғун тарзда ривожлантиришда, унинг нуфузини янада оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Бугун республикамиздаги 7 миллиондан ортиқ оилалардаги соғлом маънавий муҳитни янада барқарорлаштириш, тотувлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш йўлида "Оила" илмий-амалий маркази ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Марказ томонидан одамларда, биринчи навбатда, ёшларда оилавий анъаналарга эҳтиром ва садоқат ҳиссини кучайтириш, уларни ёт ғоялар таҳдидларидан ҳимоя қилишнинг самарали усулларини илмий асосда ўрганишга, аҳоли даромадини ошириш учун оилавий тадбиркорлик, касаначиликдан унумли фойдаланишга йўналтирилган лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётир. Оилавий психологик хизматни ташкил этиш, ёшларнинг салбий иллатлардан холи бўлиб вояга етишида ҳуқуқий маданиятли ота-онанинг ролини тадқиқ этиш бўйича ва бошқа илмий лойиҳалар шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ёшларни оилага тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар оила ва таълим муассасалари ҳамкорлигини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Зеро, оиладаги ўзаро самимий муносабат, бир-бирини тушуниш ва қўллаб-қувватлаш, бағрикенглик соғлом муҳит барқарорлигига хизмат қилар экан, ёшларда бу кўникмаларни шакллантириш ўз-ўзидан осон кечмайди.

Бугун мамлакатимиз аҳолиси сони муттасил ўсиши баробарида, ёш оилалар ҳам кўпайиб бормоқда. Уларни маънавий қўллаб-қувватлаш, никоҳ мустаҳкамлигини сақлаш учун психологик хизматлар қамровини кенгайтириш долзарб аҳамиятга эга. Марказимизнинг Ўзбекистонда оилавий психологик хизматни ташкил этишнинг илмий-назарий ва методологик муаммоларига бағишланган лойиҳаси доирасида маҳаллаларда оилавий психологик хизмат бўлимларини очиш, оилалардаги турли низоли вазиятларнинг олдини олиш масалалари тадқиқ қилинмоқда. Ҳар бир оиладаги муҳитдан келиб чиққан ҳолда психологик хизмат тури белгилаб олинаяпти, муаммоли вазиятга тушган оила аъзоларининг психологик имкониятлари ўрганилаётир.

Яна бир муҳим масала. Ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан, ахборот хуружларидан асрашда ота-оналарнинг масъулияти ва таъсир доирасини ўрганиш ҳам марказимиз эътиборида турибди. Ушбу мақсадда Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент, Бухоро шаҳарларидан 25 та маҳалла танлаб олинди. Ушбу маҳаллаларда ота-оналарнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларни салбий иллатлардан асрашда оила — маҳалла — таълим маскани ҳамкорлиги экспертлар томонидан таҳлил қилинди ва бу натижалар асосида "маълумотлар банки" яратилди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида соғлом турмуш тарғиботини янада кучайтириш, эрта никоҳ ва ажралишларнинг олдини олиш мақсадида "Оила" илмий-амалий маркази Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва қатор давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳалла, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида юздан ортиқ учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказди, ўнга яқин номда қўлланма ва рисолалар нашр этилди.

Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлари мажмуида ота-она ҳамда унинг маънавий қиёфаси, оилада эгаллаган мавқеи, оила аъзоларига нисбатан ҳуқуқи, бурчи ва масъулияти борасидаги кўникма ҳамда қарашлар муҳим ўрин тутади. Бу асрий ва асл қадриятларнинг бардавомлигини таъминлаш, ёшлар онгига оила муқаддаслигини янада чуқур сингдириш, баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилларидан биридир. Зеро, эзгулик, меҳр-оқибат каби покиза тушунчалар шаклланадиган қўрғон — оилалар мустаҳкам бўлса, болалар бахтиёр, жамият барқарор, юрт фаровон бўлади.

**Ҳафиза МАМАДАЛИЕВА,**
**Республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари.**

# Ташаббус қўллаб-қувватланмоқда

*Андижон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини суғурта қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. "Ўзагросуғурта" АЖ ҳамда "Ўзмиллийбанк" қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, суғурта компаниялари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари вакиллари, шунингдек, тадбиркорлар қатнашди.*

СЕМИНАР

Тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасини оширишга қаратилган қатор амалий чоралар кўрилаяпти.

— Илгари экспорт қилувчи тадбиркор маҳсулотини хорижга юбориши учун чет эллик ҳамкори олдиндан 15 фоизли тўловни амалга ошириши лозим эди, — дейди "Ўзагросуғурта" АЖ бўлими менежери Абдурашид Ваҳобов. — Бу талаб хорижга илк маротаба чиқаётган корхона учун маълум қийинчиликлар туғдирарди. Бугун эса бунга ҳожат қолмади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган янги қоидага биноан, экспортга маҳсулот чиқариш учун турли қалтисликлар суғурта қилинганлиги ҳақидаги полиснинг ўзи кифоя. Анжуман иштирокчиларига ана шу имтиёз ва енгилликларнинг мазмун-моҳияти атрофлича очиб берилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ораста қизлар" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

# ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР

## маҳаллий корхоналар фаолиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарвоқе, корхона жамоаси йил бошидан буён пайвандлаш, механик йиғиш, металл қуйиш ва дастгоҳсозлик цехларида Марказий кон бошқармасининг катта миқдордаги буюртмаларини тезкорлик билан адо этди. Сўнгги русумдаги технологияларни жадал суръатларда ўзлаштираётган ёш мутахассислар томонидан яратилаётган асбоб-ускуналар хорижникидан асло қолишмайди. Шу туфайли жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда тайёрланган юқори сифатли токарлик дастгоҳлари экспорт қилинди.

Эътиборли жиҳати, Президентимизнинг 2014 йил 4 февралдаги "2014 — 2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятдаги 12 та корхонада ҳозирги кунгача 27,8 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар тайёрланиб, бу борада белгиланган режа 125,3 фоиз уддаланди. Қолаверса, мавжуд лойиҳалар асосида 11,8 млн. АҚШ долларилик чет эл валютаси иқтисод қилиниши баробарида, солиқ ва божхона тўловлари имтиёзларидан тежалган маблағ ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Муаллиф олган сурат.

---

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

### Ижобий ўзгариш

*Франциянинг "BNP Paribas SA" молия муассасаси учун жорий йилнинг иккинчи чораги муваффақиятсиз якунланган эди.*



Аммо июль — сентябрь ойларида банк фаолиятида ижобий натижалар кузатилди. Жумладан, у 1,5 миллиард евро миқдорида соф фойда олишга эришди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 фоиз кўп, деганидир.

### Хизматга талаб ортмоқда

*Жорий йилнинг апрель — сентябрь ойларида "Ryanair" (Ирландия) авиакомпанияси йўловчи ташиш ҳажмини 4 фоиздан 32 фоизгача оширди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

Натижада муассаса 780 миллион евро миқдорида маблағ ишлаб олган. "Ryanair" Европадаги камбюджетли авиакомпания ҳисобланади. Шунга қарамай, у кўрсатаётган хизматларга талаб ортиб бораётир. Масалан, қишки таътил вақти учун компания жуда кўп буюртма олган.

"Ryanair" мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида келаси йилда чипталар баҳосини 10 фоиз арзонлаштиришни режалаштирмоқда.

### Сурункали ёмғир оқибати

*Канаданинг Ванкувер шаҳрида ёққан сурункали ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.*

Оқибатда шаҳарнинг шимолий қисмида транспорт воситалари ҳаракати тўхтаб қолди. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилди.

Синоптикларнинг маълум қилишича, сўнгги бир неча суткада бу ерда ёғингарчилик миқдори 86 миллиметрни ташкил этган.

### Мақсад — муаммони юмшатиш

*Атмосферадаги иссиқлик гази миқдори сўнгги 800 йил ичидаги энг юқори кўрсаткичга етди.*

Бу ҳақда БМТнинг Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган маърузада келтириб ўтилган. Таъкидланишича, ушбу глобал муаммони юмшатиш учун зудлик билан тегишли чоралар кўриш лозим. Акс ҳолда бунинг оқибати жуда аянчли бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, мутахассислар 2050 йилгача атмосферага чиқарилаётган иссиқлик гази миқдорини 40-70, 2100 йилда эса 100 фоиз қисқартириш зарурлигини уқтиришмоқда.

Олиб борилган кузатишларга қараганда, 1880 — 2012 йиллар оралиғида сайёрамизда ҳаво ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича ўртача 0,85 даража, океанлардаги сув сатҳи эса 1901 — 2010 йилларда ўртача 19 сантиметр кўтарилган.



### Пасайиш кузатилди

*Лондон биржасида "Brent" типидаги нефтнинг бир баррели қиймати 82 АҚШ долларига тушди. Бу сўнгги тўрт йил ичида унинг баҳосида қайд этилган энг паст кўрсаткичдир.*

Нью-Йорк биржасида эса "WTI" маркали углеводород хом ашёсининг нархи бундан-да арзонлашиб, ҳар баррели учун 78,30 АҚШ долларидан шартномалар имзоланди.

Экспертлар фикрига кўра, нефть баҳосида бундай пасайишнинг кузатилиши Саудия Арабистони Осиё давлатлари учун "қора олтин" қийматини арзонлаштириши ҳақида пайдо бўлган гап-сўзлар таъсиридир.

### Хавфли вирусга тўсиқ қўйилади

*Жаҳон банки Эбола вируси тарқалишига қарши курашиш учун 100 миллион АҚШ доллари ажратишини маълум қилди.*

Ушбу маблағ хавфли касаллик қамрови тобора кенгайиб бораётган Ғарбий Африкага қўшимча шифокорлар гуруҳини сафарбар этишга сарфланади.

"Умид қиламизки, 100 миллион доллар эҳтиёж бор жойларда тиббиёт ходимлари сонини кескин ошириш имконини беради", деди Жаҳон банки президенти.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунга қадар Гвинея, Сьерра-Леоне ва Либерияда Эбола вируси туфайли 5 мингга яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Мазкур эпидемияга қарши курашиш учун Жаҳон банки сўнгги уч ой мобайнида 500 миллион доллардан кўпроқ маблағ ажратди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

ИЗЛАНИШ

*Саноат корхоналарининг ташқи иқтисодий муносабатлардаги фаоллиги маҳсулотлар экспорти миқдори ортиб бораётганлигида намоён бўлади. Жумладан, Наманган шаҳрида ҳам ана шундай салоҳиятга эга ишлаб чиқариш субъектлари сафи тобора кенгайиб бормоқда.*

# Хориж бозорига дадил қадам



Масалан, биргина шу йилнинг ўтган тўққиз ойида экспортчилар қаторига олтита корхона қўшилди. Булардан бири — хорижий сармоя иштирокидаги "Avtoplast PART" масъулияти чекланган жамияти бўлиб, жамоа томонидан тайёрланаётган автомобиль ёритқичлари чет элда ҳам харидоргир. Бошқа бизнес субъекти — "Мехмаш" корхонасининг биолиниялари эса қозоғистонлик ҳамкорларга пешма-пеш етказиб берилаётир.

— Кейинги пайтларда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган кўплаб фуқароларимиз ҳам жаҳон бозорига чиқиш истагини билдиришаяпти, — дейди шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими етакчи мутахассиси Шерхон Муккаррамов. — Айтайлик, Жакбарали Абдуллахонов ва унинг шогирдлари томонидан тайёрланаётган дурадгорлик буюмлари маҳаллий харидорлар меҳрини қозонганига ўн йилдан ошди. Юқори сифатга эга бу эшик-ромлар яқиндан бошлаб экспортга чиқарилмоқда. Яна бир ҳамшаҳримиз Муҳаммадамин Валиев эса мева ва сабзавот уруғларини хорижга сотишни йўлга қўйди. Айни чоғда бошқа бир қатор тадбиркорларимиз томонидан тикилаётган бежирим костюм-шимларга ташқи бозорда талаб юқори. Бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар кўлами муттасил кенгайиши пировардида шаҳар иқтисодиёти ривожи, унинг экспорт салоҳияти юксалишига йўл очмоқда. Жорий йил бошидан буён 14 миллион 630 минг АҚШ долларидан зиёд ташқи савдо амаллари бажарилиб, кутилган прогноз кўрсаткичи 101,6 фоиз адо этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Шуни айтиш лозимки, яқин вақтга қадар Наманган шаҳрининг истеъмол бозорида маҳсулот импорти даражаси анча юқори эди. Эндиликда аҳвол бошқача. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бир қатор корхоналарда ишлаб чиқарилаётган товарлар ички эҳтиёжни тўлиқ таъминлаб, ортгани экспортга чиқарилаяпти. Мисол учун, ҳудудда ҳунармандчилик, айниқса, пойабзал тайёрлаш изчил ривожлангани кўпчиликка маълум. Бироқ мазкур соҳа вакиллари бундан уч-тўрт йил аввал ҳам асосий хом ашё — чармни Хитойдан олиб келишарди. Хорижий сармоя иштирокидаги "Nafis charm" масъулияти чекланган жамиятида технологик қайта жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилиши билан уни маҳаллий шароитда тайёрлашга киришилди. Бунинг учун корхона таъсисчилари томонидан 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя сарфланиб, илғор технология ишга туширилди. Бу ерда аввалига тери қайта ишланиб, яримтайёр ҳолга келтирилган бўлса, ўтган йилдан буён бўёқдан чиқарилиб, пойабзал тикишга шай қилинмоқда. Бундай ўзгаришлар натижасида меҳнат жамоаси сафи қарийб икки баробар кенгайиб, 110 нафарга етди.

"Nafis charm" фаолиятининг йўлга қўйилиши, биринчи навбатда, пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарини хом ашё билан тўлиқ таъминлаш масаласини ҳал қилди. Нафақат Наманган, балки Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Тошкент шаҳридаги пойабзалчилар ҳам эндиликда ўз эҳтиёжларини шу ерда тайёрланган чарм ҳисобига қоплашаяпти. Ички эҳтиёждан ортган маҳсулот эса ташқи бозорга йўналтирилмоқда. Жумладан, бу ерда жорий йил бошидан буён 20 миллиард сўмликдан ортиқ табиий тери тайёрланган бўлса, унинг 73 фоизи экспорт қилинди ва 6 миллион 201 минг АҚШ доллари миқдорида валюта киритилди.

Маълумки, мамлакатимизда табиий тери тайёрлаш миқёси юқори. Пойабзал, шунингдек, енгил саноатнинг бир қатор йўналишлари учун зарур бўлган мазкур хом ашёнинг саноат усулида қайта ишланиши, табиийки, унинг қимматини оширади. Шу жиҳатдан олганда, "Nafis charm" масъулияти чекланган жамиятида компьютерлаштирилган технология асосида йўлга қўйилган замонавий ишлаб чиқаришни навбатдаги муваффақиятли қадам сифатида баҳолаш мумкин.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

---

ТАДБИРКОРЛИК

*Заминимизда етиштирилган анорнинг бутун дунёга донғи кетганлиги рост. Эндиликда бу неъмат Жанубий Кореяга ҳам экспорт қилинмоқда.*

# Фермер анор экспорт қилаяпти

Китоб туманидаги "Vijit impeks" фермер хўжалиги жамоаси жорий мавсумда Жанубий кореялик буюртмачиларга 4 тонна анор етказиб берди.

— Экспорт жуғрофиясини кенгайтириб бораяпмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Султонов. — Шу йилнинг ўтган даврида қўшни давлатлардаги ҳамкорларимизга 715 минг 592 АҚШ долларилик узум, 203 минг 500 долларлик гилос жўнатдик. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қашқадарё вилояти филиали томонидан кўрсатилган 450 миллион сўмлик молиявий кўмак натижасида 2014 йил ҳосилидан жами экспорт қилинган маҳсулотларимиз ҳажми 1 миллион АҚШ долларидан ошди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



---

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК
Shurtan Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошидаги «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонасида

*диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.*

*Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез учраб турадиган бузилиш ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.*





Маҳсулот сертификатланган.

**Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.**

Шунингдек, буюртмаларни **pe-plast.uz** сайти ва **pe_plast@mail.ru** электрон манзилига юборишингиз мумкин.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ қўрғони.**

493R/267

O'ZSANOATQURILISHBANK

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»**
**SMS-информатор фаолиятини яхшилаш мақсадида контент-провайдер ташкилотини танлаш юзасидан**
**ТАНЛОВ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРАДИ.**

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:
**Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефон/ Факс: (0-371)120-45-56, 120-45-60.**
**Ички телефон: 30-63, 32-24.**

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари (таклифлар алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) 2014 йил 12 ноябрь соат 18.00 гача қабул қилинади.

1764R/497

«Universal auktsion invest» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2014 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Миробод тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 14 сентябрдаги 11242/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Грин Прайд Груп» МЧЖ омборхонасида сақланаётган, бошланғич баҳоси — 219 726 112 сўм бўлган чинни ҳайкалчалар (фарфордан статуэткалар) ишлаб чиқариш ускунаси (40 қисмдан иборат) қўйилмоқда.

Юқоридаги мулк билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2014 йил 5 декабрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Ҳамза филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро варақаси рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Тел.: (0-371) 236-74-67.**

Гувоҳнома № 004059.

1765R/165



Австрия: Инновациялар фестивалида тезлиги соатига ерда 160, ҳавода эса 200 километргача етадиган учар автомобиль намойиш этилди. У 100 километр масофага 8 литр, бир соатлик парвоз учун эса 15 литр бензин сарфлайди.

# Ижодий ҳамкорлик ифодаси

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон ва Хитой рассомлари ҳамда фотоижодкорларининг кўргазмаси очилди.*

*Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 22 йил тўлиши муносабати билан ташкил қилинган ушбу кўргазманинг очилишида тегишли вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, санъат намояндалари ҳамда ихлосмандлари қатнашди.*

## КЎРГАЗМА

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишларида ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, юртимизда Хитой, Хитойда эса Ўзбекистон санъати ютуқлари акс этган кўргазма ҳамда фестиваллар ўтказиш анъанага айланган.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Хитой миллий рассомлик академиясининг “Буюк Ипак йўли бўйлаб ижодкорлик: Ўзбекистондаги изланиш” номли қўшма лойиҳаси доирасида уюштирилаётган мазкур тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам маданий алоқаларнинг яна бир ифодаси бўлди. Кўргазмага қўйилган асарларни томоша қилар экансиз, ўзингизни бетакрор табиат қўйнида ҳис этасиз.



Айниқса, хитойлик таниқли рассомлар Лонг Руи, Чен Пенг, Лин Ронгшеннинг асарларидаги ўзига хос нафислик ҳар қандай санъат ихлосмандини ром этади. Уларда табиатнинг бор гўзаллиги ва қишлоқларнинг сўлим қиёфаси акс эттирилган.

Қолаверса, бу экспонатларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар ривожи, ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида эришилган ютуқлар ҳам ўз ифодасини топган.

**Гулжаҳон СЕЙТНАЗАРОВА.**

Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

## РАҒБАТ

*Санъатга қизиқувчан ёшларнинг иқтидорини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришда турли танлов, кўргазма ва фестивалларнинг ўрни беқиёс.*

# «Созлар навоси»

Бу борада ўзбек миллий санъати анъаналарини тарғиб қилиш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказишга қаратилган “Созлар навоси” республика танлови ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Анжуманда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган иқтидорли ёшлар бешта номинация бўйича ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Айни пайтда танловнинг туман ва шаҳар босқичлари бошланди. Унда муваффақиятли иштирок этган ёш созандалар ижодий кўрикнинг республика босқичида қатнашадилар.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

# «Болажонлар — юрт келажаги»

*Пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйида ўтказилган адабий-мусиқий тадбир шундай деб номланди.*

## ҒАМХЎРЛИК

Соғлом бола йилига бағишлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, шунингдек, бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган кечада болажонлар учун кўнгилли дастурлар намойиш этилди.

Хусусан, маданият ва истироҳат боғи қошидаги “Жайҳун” қўғирчоқ театри, Республика “Баркамол авлод” болалар техник ижодиёт маркази тасарруфидаги “Туронфилар” болалар спорт жамоаси, шунингдек, ёш ижрочиларнинг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди. Тадбир давомида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам она-Ватанни тараннум қилувчи қўшиқлар ижро этишди.

**Ойдиной ХОЛИҚОВА.**

# Спортнинг мўъжизавий қудрати

*...Фаррухжон саккиз ёшда. Тақдир экан, ногиронлик аломатлари уни анча қийнаб қўйди. Шифокорларнинг муолажалари наф берди-ю, аммо асорати аримади. Онаси Моҳигул кунларнинг бирида “Боламни спорт билан шуғуллантираман” деб қатъий аҳд қилди.*

## ҲАЙРАТ

— Фаррухжон келган пайтида чап қўли ва елкасини ишлатолмас, бўйни суст ҳаракатланар, белини ололмасди, — дейди Бухоро шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича мураббийи, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Равшан Каримов. — Ишни унга енгил машқлар бажартиришдан бошладик. Очиғи, дастлаб “Бу машқларни бажара олмайман” деб йиғлаган пайтлари ҳам бўлди. Лекин яхши сўз, массаж, қолаверса, тенгдошлари даврасида туриб, улар билан бирга шуғулланиш ўз самарасини берди. Энди у худди соғлом болалар каби умбалоқ ошади. Биз “кўприк туриш” деб атайдиган машқни 25 марта такрорлай олади. Чап қўл бармоқларини бемалол ҳаракатга келтиради.

Мураббий шуларни гапираётган пайтда кураш гиламида бир гуруҳ болалар қатори чигилёзди машқлар бажараётган Фаррухжонни кузатдик: у чаққон ва эпчил ҳаракат қилаяпти, тенгдошларидан қолишмаяпти. Дафъатан бу боланинг ногиронлигини пайқаш ҳам қийин.

Мураббийнинг фикрича, кураш ўзига хос спорт тури саналади. Унинг нозик жиҳатлари кўп. Фаррухжон агар шу зайлда шуғулланишда давом этса, келгусида катта муваффақиятларга эришади. “Балки паралимпия мусобақаларида қатнашар”, дейди Равшан ака.

Айтиш керакки, бу тажрибали мутахассис илгари ҳам Фаррухжонга ўхшаган бир неча ногирон болага мураббийлик қилиб, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларига кўмаклашган. Жумладан, Беҳруз Бобоев болаликдан туғма ногирон бўлиб, бўйнини тик тута олмасди. Тинимсиз машқ, қатъият ва ирода туфайли у хасталикни енгди. Фаррухжонга келсак...

— Ўғлимнинг сўлғин афт-ангорига боқиб, изтироб чекардим, — дейди унинг онаси Моҳигул Жўраева. — Энди эса у анча тетик, машғулотларга иштиёқ билан йўл олади. Аста-секин ўқиш-ёзишни ўрганаяпти. 27-мактаб-интернатдан бириктирилган ўқитувчи уйимизга келиб унга сабоқ бераяпти. Спорт туфайли дардимга даво топгандек бўлдим.

Дарҳақиқат, она энди хотиржам: ўғлининг эртасидан кўнгли тўқ. Дардга даво, танга шифо спорт ана шундай мўъжизавий қудрати билан ҳам қадрлидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТИББИЁТ



Соғлом миллатгина буюк келажакни яратишга қодир. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, уни халқаро андозалар даражасига кўтаришга қаратилган ислоҳотлар ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Чунончи, тиббиёт муассасаларимиз илғор ускуна ва жиҳозлар билан таъминланаётгани уларда турли хасталикларга аниқ ҳамда тезкор ташхис қўйиш ва самарали даволаш имконини бераяпти. Бундай имконият нафақат пойтахт, балки вилоят ва туман шифохоналарида ҳам юзага келаётгани соҳанинг жадал тараққий этаётганидан далолатдир.

Кўз микрохирургияси:

# Илғор тажриба ва амалиёт

Урганч шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказининг Хоразм вилояти филиали фаолияти фикримизга мисол бўла олади. 2008 йилда ташкил қилинган мазкур муассаса 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, диагностика, лаборатория ва 2 та жарроҳлик бўлимига эга. Ўтган давр мобайнида бу ерда 12 минг нафардан зиёд бемор дардига даво топди, 62 мингдан ортиқ кишига эса тиббий маслаҳатлар берилди.

Шифо маскани энг замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Кейинги йилларда бу ерда 20 дан ортиқ турдаги кўз касалликларини компьютер технологияси, лазер нури ва ультратовуш ёрдамида диагностика қилиш ҳамда даволаш ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг учун 700 миллион сўмликка яқин маблағ йўналтирилди. Ҳозир марказда фаолият юритаётган 22 нафар шифокор томонидан аҳолига офтальмология соҳасида тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ўз навбатида, пойтахтдаги ҳамда чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борилаяпти. Ўтган даврда шифокорлардан бир гуруҳи хорижда малака ошириб қайтди.

Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабалари учун кўз касалликлари кафедраси ташкил этилган бўлиб, бўлғуси шифокорлар шу ерда амалиёт ўташаяпти. Бу эса уларнинг мазкур соҳа сирларини пухта эгаллашларида айни муддао бўлаётир.

— Жорий йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази шифокорлари ёрдамида лазер жарроҳлигини амалиётга татбиқ этдик, — дейди муассаса бош шифокори Бекберган Нуруллаев. — Қисқа давр ичида 100 нафардан ортиқ бемор янги усулда шифо топди. Яқиндан бошлаб эса жарроҳлик амалиётини ультратовуш ёрдамида ўтказадиган илғор ускуналарни ишга туширдик. Бу ҳам имкониятларимизни янада кенгайтирди.




Албатта, юртимиз тараққиёти йўлидаги ҳар бир устувор мақсад рўёбида давлатимиз раҳбарининг ҳаётбахш ғоялари, барча соҳаларни бирдек қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида мазкур марказ фаолиятини алоҳида тилга олгани бу ерда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини янги муваффақиятлар сари дадил қадам ташлашга ундамоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Эълон

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (0-595) 144-84-04, 170-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (0-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (0-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (0-595) 177-06-88 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (0-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (0-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (0-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Мирзаобод тумани | (0-595) 510-96-99, 510-10-09 (0-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00) (0-367) 235-00-44 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (0-595) 510-10-17 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (0-595) 510-10-04 (0-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (0-595) 510-10-27 (0-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (0-595) 510-10-41 (0-595) 510-64-27 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (0-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (0-366) 442-68-05, (соат 8.00 — 17.00) (0-366) 442-68-15 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (0-595) 600-12-02, (8-598) 274-23-27 (0-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (0-365) 223-38-37 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 600-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (0-595) 601-14-96, 601-11-85 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 601-11-53, 601-12-29 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | (0-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (0-595) 501-11-02, (0-376) 588-88-20 (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш.Темиров к., 4-уй | (0-376) 224-07-65, (0-595) 501-11-07 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (0-595) 505-05-12, 505-02-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи,** Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (0-375) 221-17-25, (0-595) 505-05-23 |
| **2-Линия техник цехи,** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (0-375) 505-05-13, 505-05-41 (0-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (0-595) 602-22-09, 602-22-18 (0-362) 226-36-58, (0-595) 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 (0-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (0-593) 309-13-46 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (0-598) 278-74-22 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (0-595) 603-12-84 |

1675R/95

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси кафедраси мудири Отабек Бозоровга волидаи муҳтарамаси **Беғам ая ШАЙМАРДАНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

WWW.XS.UZ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида I Осиё Кубогида қатнашиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган велоспортчиларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 74 292 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5